АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ ХАЛҚАРО СИФАТ ТИЗИМЛАРИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Одилжон Тоҳиров,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Бош директорининг ўринбосари
тел. +998 91 192 61 31, эл.почта: o.tohirov@gmail.com

Аннотатсия. Ушбу илмий ишларда автотранспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолашда халқаро сифат тизимларининг аҳамияти ва уларни жорий этиш механизмлари таҳлил қилинган. Асосий эътибор ISO 9001, IATF 16949, ҳамда экологик бошқарув тизими бўйича ISO 14001 каби халқаро стандартларга қаратилган. Тадқиқотда мазкур тизимларнинг автотранспорт саноатидаги жорий этиш жараёни, уларнинг самарадорлиги ва миллий сифат назорати тизими билан интеграциялашуви хусусида фикр юритилган. Шунингдек, халқаро сифат тизимлари орқали маҳсулот сифатини ошириш, экспортбопликни кучайтириш ҳамда рақобатбардошликни таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. Илмий ишда статистик маълумотлар, хорижий тажриба ва амалий мисоллар орқали мавзу ёритилган.

Калит сўзлар: Автотранспорт воситаси, мувофиқликни баҳолаш, халқаро сифат тизимлари, ISO 9001 стандарти, ишончлилик ва хавфсизлик, сертификатлаштириш жараёни, техник регламентлар

Аннотация. В данной научной работе проанализировано значение международных систем качества в оценке соответствия транспортных средств и механизмов их внедрения. Основное внимание уделяется международным стандартам, таким как ISO 9001, IATF 16949, а также ISO 14001 по системе экологического менеджмента. В исследовании рассматривался процесс внедрения этих систем в автомобильной промышленности, их эффективность и интеграция с национальной системой контроля качества. Также даны предложения и рекомендации по повышению качества продукции, повышению экспортной конкурентоспособности и обеспечению конкурентоспособности через международные системы качества. В научной работе тема
освещается через статистические данные, зарубежный опыт и практические примеры.

Ключевые слова:автомобиль, оценка соответствия, международные системы качества, Стандарт ISO 9001, надежность и безопасность, процесс сертификации, технические регламенты.

ISSN 3030-3907

Annotation. These scientific works analyzed the importance of international quality systems and mechanisms for their introduction in assessing the compatibility of vehicles. The focus is on international standards such as ISO 9001, IATF 16949, as well as ISO 14001 on the Environmental Management System. The study focused on the implementation process of these systems in the vehicle industry, their effectiveness and integration with the National Quality Control System. Proposals and recommendations have also been made to improve product quality, enhance exportability and ensure competitiveness through international quality systems. In scientific work, the topic is covered through statistics, foreign experience and practical examples.

Keywords: vehicle, conformity assessment, international quality systems, ISO 9001 standard, reliability and safety, certification process, technical regulations

Кириш

Бугунги кунда автотранспорт воситаларининг хавфсизлиги, экологик стандартларга мувофиқлиги ва сифат назорати глобал иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланиб бормоқда. Халқаро савдо ва транспорт тизимларининг жадал ривожланиши туфайли, автотранспорт воситаларининг халқаро стандартлар билан мувофиқлигини таъминлаш ва уларни баҳолаш тизимларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда, автотранспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолашда халқаро стандартларни интеграция қилиш муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида 2025 йил 30 январдаги ПФ-16-сон Фармонида янги халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга ошириш вазифаси белгилаб берилган.

Халқаро автомобиль бозорларида рақобатбардошликни таъминлаш учун автотранспорт воситалари халқаро талабларга жавоб бериши керак. АҚШда FMVSS (Federal Motor Vehicle Safety Standards), Европа Иттифоқида 2018 йил 30 майдаги 2018/858-сон Регламентга, Евроосиё Иқтисодий Иттифоқида 2011 йил 9 декабрдаги ТР ТС 018/2011-сон Регламентга, жаҳон бўйича Женевада 1958 йил 20 мартда ҳамда 1998 йил 25 июнда имзоланган 2 та битимнинг доирасида ишлаб чиқилган Глобал ва техник қоидалар ҳамда ISO, IATF стандартлари каби тизимлар мавжуд. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган транспорт воситалари мазкур талабларга жавоб беришга мажбурдир.

ISSN 3030-3907

Мувофиқликни баҳолаш тизими – автотранспорт воситаларининг техник, хавфсизлик ва экологик талабларга жавоб беришини таъминлашга қаратилган жараён бўлиб, у турли сертификатлаш институтлари, давлат органлари ва хусусий секторни ўз ичига олади. Ўзбекистонда бу соҳани халқаро сифат тизимлари билан уйғунлаштириш нафақат маҳсулот сифатини оширишга, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунга келиб, кўплаб давлатлар экологик тозалик стандартларини (Euro 5, Euro 6, EPA, WLTP) жорий этмоқда. Бу эса Ўзбекистонда автотранспорт воситаларининг экологик самарадорлигини баҳолаш ва халқаро талабларга жавоб беришини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда автотранспорт воситаларининг мувофиқлик баҳолаш тизими муайян қонунчилик ва техник регламентларга асосланган. Бироқ, бу тизимни халқаро стандартларга интеграция қилишда турли тўсиқлар мавжуд:

- техник регламентларнинг халқаро стандартлар билан тўлиқ уйғунлашмаганлиги;
- сертификатлаш жараёнларидаги бюрократик муаммолар;
- ҳамкор давлатлар билан ўзаро тан олиш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

Ўзбекистонда автомобиль саноати ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар халқаро бозорга чиқиш учун транспорт воситалари сифатини ошириш ва уларни халқаро талабларга мос сертификатлаш бўйича аниқ стратегияга эҳтиёж сезмоқда.

Автотранспорт воситаларининг халқаро сифат тизимлари билан интеграция қилиниш механизмини ишлаб чиқиш нафақат миллий автомобиль саноати учун, балки умумий иқтисодий ривожланиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшиш ва йўл хавфсизлигини яхшилаш каби омилларга таъсир қилади. Шу сабабли, ушбу мавзудаги тадқиқот илмий ва амалий жиҳатдан юқори долзарбликка эга.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади автотранспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолаш тизимини халқаро сифат стандартлари билан интеграция қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Бунда асосан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

ISSN 3030-3907

- Автотранспорт воситаларини мувофиқлик баҳолаш концепциясини ўрганиш – миллий ва халқаро стандартлар асосида техник, экологик ва хавфсизлик талабларини таҳлил қилиш;
- Халқаро сифат стандартлари ва уларнинг автомобиль саноатидаги ўрнини тадқиқ этиш – ISO, IATF, ECE, FMVSS, Euro стандартларининг миллий қонунчилик ва техник регламентларга мослашиш имкониятларини ўрганиш;
- автотранспорт воситаларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолаш жараёнларини таҳлил қилиш – жаҳон тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида амалиётга жорий этиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- миллий ва халқаро стандартлар интеграциясини таъминлаш механизмларини таклиф қилиш – сифатни назорат қилиш ва мувофиқлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш учун инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда автотранспорт воситаларини халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш – миллий қонунчилик ва халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш йўллари.

Бу тадқиқот натижалари Ўзбекистонда автомобил саноатининг халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш, муҳандислик ва сертификатлаш жараёнларини такомиллаштириш, экологик ва хавфсизлик стандартларига мувофиқликни таъминлаш учун муҳим амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот объекти автотранспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолаш тизими ҳисобланади. Шунингдек, Тадқиқот доирасида қуйидаги объектлар ўрганилади:

- автотранспорт воситаларига қўйиладиган миллий ва халқаро талаблар (техник, экологик, хавфсизлик стандартлари);
- мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаш жараёнлари (ISO, IATF, ECE, Euro, FMVSS каби халқаро стандартлар ва уларнинг Ўзбекистондаги татбиқи);
- Ўзбекистондаги автотранспорт воситаларининг сертификатлаш амалиёти ва унинг муаммолари;
- халқаро сифат бошқарув тизимлари ва уларнинг автомобиль саноатига таъсири;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган автотранспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш амалиёти;

ISSN 3030-3907

- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари (автомобиль ишлаб чиқарувчилари, сертификатлаш марказлари, давлат назорат органлари).

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

- Мувофиқлик баҳолаш концепциясини назарий асосда тадқиқ этиш. Бундан автотранспорт воситаларининг сифат ва хавфсизлик мезонларини баҳолаш назариясини такомиллаштирилади, миллий ва халқаро стандартлар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликларни таҳлил қилинади;
- халқаро сифат тизимларининг интеграция механизмларини назарий жиҳатдан асослаш учун ISO, IATF, ECE, FMVSS ва Euro стандартлари каби халқаро сифат тизимларининг асосий назарий моделларини ўрганилади, халқаро сифат стандартлари ва миллий қонунчилик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни назарий асосланади;
- сифат бошқарув тизимларининг автомобил саноатидаги ўрнини тадқиқ этиш. Бунда автомобил ишлаб чиқариш ва эксплуатация жараёнларида сифат бошқарув назариясини қўллаш усулларини таҳлил қилинади, транспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолашда рискларни баҳолаш ва камайтириш моделларини шакллантирилади, транспорт воситаларининг экологик ва техник мувофиқлигини баҳолашнинг назарий моделини ишлаб чиқилади, экологик стандартларга мослашишни таъминлаш учун назарий асосларни ишлаб чиқилади, миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришнинг назарий моделларини таклиф этилади;
- тадқиқот натижалари асосида илмий-назарий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилади, миллий қонунчиликни халқаро сифат стандартларига мослаштириш бўйича илмий тавсиялар, автотранспорт воситаларини баҳолаш ва сертификатлаш жараёнларини оптималлаштирилади.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари автотранспорт воситаларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, миллий стандартларни халқаро тизимларга мослаштириш ва сифат бошқаруви соҳасида янги илмий моделларни шакллантириш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу тадқиқотнинг амалий аҳамияти автотранспорт воситаларини халқаро сифат тизимлари билан интеграция қилиш ва уларнинг мувофиқлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш орқали миллий автомобиль саноати ва транспорт хавфсизлигини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади. Бинобарин,

- Автотранспорт воситаларини сертификатлаш тизимини такомиллаштириш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ва импорт

ISSN 3030-3907

қилинадиган автотранспорт воситаларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;

- миллий сертификатлаш органлари учун халқаро талабларга мослаштирилган баҳолаш методларини жорий этилади;
- автомобиль ишлаб чиқарувчилар учун техник регламентларни оптималлаштириш мақсадида маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчилар учун халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича тавсиялар берилади;
- транспорт воситаларининг экологик стандартларга (Euro-5, Euro-6) мос келишини таъминлаш учун янги технологияларни татбиқ этишга кўмаклашилади;
- миллий қонунчилик ва техник регламентларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилади;
- Ўзбекистондаги қонунчиликни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилади;
- автотранспорт воситаларини сертификатлаш ва техник назорат қилиш тизимини халқаро меъёрларга интеграция қилиш механизмларини ишлаб чиқилади;
- транспорт хавфсизлигини ошириш ва йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришда йўл ҳаракати хавфсизлиги меъёрларига жавоб берадиган автотранспорт воситаларини баҳолаш тизимини такомиллаштирилади, автомобилларда хавфсизлик элементларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади;
- Ўзбекистоннинг халқаро савдо ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида автомобиль саноати маҳсулотларини халқаро бозорларга чиқариш имкониятларини ошириш учун мувофиқликни баҳолаш тизими такомиллаштирилади;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун экспортга йўналтирилган сертификатлаш ва стандартлаштириш жараёнларини соддалаштирилади;
- давлат органлари (Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва бошқа ваколатли органлар) сифат назоратини яхшилаш учун тадқиқот натижаларидан фойдаланиши мумкин;
- автомобиль ишлаб чиқарувчилар ва техник регламентлар билан шуғулланувчи ташкилотлар янги методикаларни жорий этиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РО'ЙХАТИ

ISSN 3030-3907

1. ISO 9001: 2015 - Sifat menejmenti tizimlari - Talablarstandartlashtirish Xalqaro standartlashtirish tashkiloti.
2. ISO/TS 16949:2009 - Sifat menejmenti tizimlari - ISO 9001 standartini avtomobil ishlab chiqarish va tegishli xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar uchun qo'llash uchun maxsus talablar .
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi 2022 yil 31 Mardagi "Avtotransport korxonasi kurigidan o'tkazish tugrisida"gi karori .
4. “Muvofiqlikni oshirish va sertifikatlashtirish” – T.T.Karimov, I.I. Xamraev. Toshkent, 2020 yil.
5. Qodirov A., Usmonov U. – Sifat menejmenti asoslari . Toshkent, 2021 yil.
6. Sifat menejmenti GOST R ISO 9001-2015 - Sifatni boshqarish tizimlari. Requirements (Rossiya texnologiyasi uchun versiyasi).
7. EAEU texnik reglamenti: "Avtomobil transportida transportning havfsizligi tug'ilishi" - TR CU 018/2011.
8. Sharipov A.A. – Avtotexnika tekshiruvi va diagnostikasi . Toshkent, 2019 yil.
9. Danube tazhribasida halqaro sifat standartlari va transport ishlab chiqarishga qo'yiladigan talablar hakida makolalar:
a. Texnik xizmat ko'rsatish muhandisligida sifat jurnali
b. SAE xalqaro transport xavfsizligi jurnali
10. www.standartO‘zbekiston Milliy standartlashtirish instituti materiallari: www.standart.uz

ISSN 3030-3907